

# 1 сентябрь –

Ўзбекистон Республикасининг  
мустақиллик кун

# Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2022 йил 30 август  
сешанба

№ 33 (1341)

[www.hudud24.uz](http://www.hudud24.uz)

[insonvaqonun@adliya.uz](mailto:insonvaqonun@adliya.uz)

[fb.com/hudud24official/](https://fb.com/hudud24official/)

[t.me/hudud24official/](https://t.me/hudud24official/)



## ВАТАН ЮРАКЛАРДА ТУҒИЛАДИ

**ВАТАНИ БИЛАН ФАХРЛАНМАГАН ИНСОН  
ВАТАНСИЗДИР**

5-бетда уқинг >

## Тараққиётнинг тамал тоши

1991 йил 31 август. Тарих ўзани миллий тақдиримизда туб бурилиш ясади. Ўша муазам кун халқимиз, мамлакатимиз ҳаётида энг улғу, энг азиз кун сифатида мангуға муҳрланиб қолди. 1 сентябрь – Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллиги кун сифатида белгиланди. Ўзбек халқи шу кунда асрий орзусига эришди. Миллатнинг ғурури, ор-номуси, шаъни тикланди. Тилимиз, миллий урф-одат, маънавий қадриятларимиз ўзимизга қайтди.

Аслини олганда, мустақиллик – эркин ва бахтли яшаш ҳуқуқи, шахсий, иқтисодий-

ижтимоий ҳамда сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар рўёби, ҳар бир инсоннинг қонуний манфаатлари инъикосидир. Истиқлол эл-юртимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, қадр-қимматини англаб, муносиб ҳаёт кечириб, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш имкониятини яратди. Айни пайтда у ҳар бир фуқаронинг иқтисодий, ижтимоий соҳаларда истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришининг мустаҳкам заминидир.

Давоми 2-бетда >



Адлия тизимида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида

## ЎЗИГА ХОС МАКТАБ ЯРАТИЛДИ

**МУСТАҚИЛЛИККА эришганимизга 31 йил бўлди.** Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда эътибор берилмаган соҳа, тараққий этмаган тизим қолмади. Адлия тизимида ҳам одамларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўзига хос мактаб яратилди.

Жумладан, фуқароларнинг муҳофазатларини тезкорлик ва ҳолислик билан ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ҳудудий адлия бошқармалари негизда туман, шаҳар адлия бўлимларининг ташкил этилгани фуқароларнинг муаммоли масалаларини жойида ижобий ҳал этишга имкон яратди. Аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш тизими янги босқичга кўтарилди. Дастлаб аҳолига 37 турдаги давлат хизматларини кўрсатган ДХМлар бугунги кунга келиб 200 га яқин хизмат турларини аҳолига таклиф этмоқда. Кўрсатилаётган хизматлардан фуқароларнинг эмин-эркин фойдаланишлари учун туман, шаҳар марказларида замонавий, ҳар жиҳатдан қулай, интонацион марказлар қуриб, фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда вилоятимизда ана шундай шинам биноларда халққа давлат хизматлари кўрсатилмоқда. Шу билан бирга, марказдан узоқда жойлашган ҳудуд аҳолисининг узоғини яқин, мушқулини осон қилиш мақсадида давлат хизматлари марказининг филиаллари ҳам ташкил этилди.

Давоми 2-бетда >

➔ Давоми. Бошланиши 1-бетда



## Адлия тизимида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида

# ЎЗИГА ХОС МАКТАБ ЯРАТИЛДИ

Шунингдек, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари тўлиқ рақамлаштирилиб, экстерриториал таъминот асосида аҳолига хизмат кўрсатилаётгани фуқаролар учун яна бир қулайликдир.

Туман, шаҳар адлия бўлимлари қоида ташкил этилган юридик хизмат кўрсатиш марказлари ташкилотларга курсатаётган хизмат эса, барча турдаги ҳужжатларнинг қонунийлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш тизими тубдан такомиллаштирилиб, фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва манфаатлари тўла таъминланмоқда. Буни битта Янгикўрғон туман адлия бўлими мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, келиб тушаётган муносабатларнинг жойида кўриб чиқиши аҳолининг давлат органларига бўлган ишончини янада орттирмоқда. Жорий йилнинг ўтган 7 ойида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларидан 248 та муносабат келиб тушган бўлиб, буларнинг 34 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилган, 202 та муносабат қаноатлантирилган. Бўлим томонидан кўриб чиқилган муносабатларни ўрганиш яқини бўйича турли идора ва ташкилотларга жами 12 та тақдимнома, 30 нафар айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан ваколатли органларга тақлиф киритилиб, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатлари қайта тикланишига эришилди. Қў-

ланилган таъсир чоралари натижасида 30 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, 12 та маъмурий орган қарори бекор қилинган.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 3 майда қабул қилинган "Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизimini ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан таълим муассасаларида ўқитувчи бўлиб фаолият юритаётган халқаро олимпиадалар ғолиблари лавозим маошига ҳар ой 150 фоиз, асосий олимпиадалар республика босқичи ғолиблари лавозим маошига эса ҳар ой 100 фоизлик устама ҳақ тўланиши белгиланган. Янгикўрғон туман адлия бўлимига туманнинг "Ғайрат" маҳалласида яшовчи фуқаро М. Мукаррамов муносабат келиб, 1993 йил она тили ва адабиёти фани бўйича ўтказилган умумтаълим фанлари Республика олимпиадасида қатнашиб, ғолибликни қўлга киритгани, лекин шу кунга қадар қарорда кўрсатилган устама пулини ололмаганини билдирган. Туман адлия бўлимининг ўрганишлари давомида муносабат эгасига тўланмай келинаётган маблағни ундириб беришда амалий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, Янгикўрғон туман халқ таълими бўлимига қарашли 9-сонли умумтаълим мактабига она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси А. Аҳмадалиеванинг муносабати ўрганилганда, фуқаро 2001 йили Республика фан

олимпиадасида она тили ва адабиёти фанидан 2-ўринни эгаллаб, ўша йили Халқ таълими вазирлигининг шу ҳақдаги гувоҳномасини олгани аниқланди. Бироқ унинг маошига қўшилиши керак бўлган юз фоизлик устама ҳақи тўланмаган. Амалдаги тартибга қўра, туман адлия бўлими томонидан туман халқ таълими бўлимига тақдимнома киритилиб, ўқитувчига устама пули ундириб берилди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги "Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизimini тасдиқлаш тўғрисида"ги қароридан "Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисида"ги Низомнинг 25-бандида врачларга, ўрта ва кичик тиббиёт ходимларига, шунингдек, соғлиқни сақлаш муассасалари фармацевтика ходимларига узлуксиз иш стажига қараб тариф ставкасининг белгиланган фоизлари миқдорига устамалар тўланиши белгиланган.

Бироқ, Янгикўрғон туман мактабгача таълим бўлимига қарашли мактабгача таълим ташкилоти ҳамшираларининг 37 нафарига ҳуқуқат қароридан белгиланган узлуксиз иш стажига қўшиб берилиши лозим бўлган 200 миллион сўмга яқин устама пули тўлаб берилмагани аниқланди.

Туман адлия бўлими томонидан ҳамшираларнинг қонуний манфаатлари-

ни ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Янгикўрғон туманлараро судига даъво аризалари киритилди. Суднинг ҳал қилув қарорига қўра, 37 нафар ходимга 200 миллион сўмга яқин устама пули тўлаб берилиши таъминланди.

Яна бир муҳим жиҳат, аввал қўлёзма шаклида тақдим этилган туғилганлик, никоҳ тузилганлиги ва бошқа турдаги гербли гувоҳномалар бугунга келиб электрон равишда тўлдирилиб, барча турдаги далолатнома ёзувлари "ФХДЁ Ягона электрон архиви" ахборот тизимига киритиб берилмоқда. Бу эса, йиллар ўтиб бирор бир ҳужжатга эҳтиёж сезган фуқароларнинг ортиқча вақт сарф этишининг олдини олади. Бундан ташқари, тўловлар биллинг инвой орқали тўланиши сабабли узокда жойлашган банк ёки кассага бориш учун вақт сарфланмайди. Фуқароларни қувонтирган яна бир янгилик – эндиликда фарзанди туғилганда бериладиган бир марталик суюнчи пули ота-оналарнинг банк пластик картасига ташлаб берилаётгани бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, адлия идоралари томонидан фуқароларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ижобий ишлар самарадорлиги ўз натижасини бермоқда.

**Хайрулло СОБИРОВ,**  
Наманган вилоят адлия бошқармаси бошлиғи

➔ Давоми. Бошланиши 1-бетда



## ТАРАҚҚИЁТНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

Аждодларимиз асрлар мобайнида озодлик учун курашди. Мустабид тузум даврида юрт озодлиги учун курашган юз мингдан ортиқ ватандошларимиз қатағонга учраган. Уларнинг қанчаси "халқ душмани" деган тўхмат билан шафқатсизларча отиб ташланган. Яна қанчаси сургун қилиниб, азоб-уқубатларга дучор қилинган...

Президентимиз таъкидлаганидек: "Катта салоҳиятга эга етакчилар, олимлар, адиллар, шифокорлар, ўқитувчилар қатағон қилинган. Улар халқимизнинг энг сара вакиллари

эди. Мустабид тузумга миллат кўзини очадиган, унга ўзлигини танитадиган зиёли инсонлар керак эмас эди. Уларнинг айби – буюк бўлгани".

Аждодларини, ўтмишини, тарихини унутмаган халқнинг эртаси ёруғ бўлади. Шу маънода юртимизда 2001 йилдан буён 31 август – "Қатағон қурбонларини ёд этиш кўни" сифатида нишонлаб келинмоқда. Шу кунгача юзлаб маърифатпарвар болаларимиз номи, шъъни оқланди, қатағон қурбонлари мероси чуқур ўрганиляпти, улар хотирасини абадийлаштириш

учун кенг қўламли чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Ёш авлодни мустақиллик ва адолат тантанаси учун курашган фидойи ота-болаларимиз хотирасига ҳурмат рўҳида тарбиялаш, уларнинг кўрсатган жасорати ва ибратли фаолиятини тарғиб этишга қаратилган маънавий-маърифий ишлар узвийликда олиб борилляпти.

Ўзбекистон – мустақил мамлакат сифатида, мана ўттиз бир йилдирки, машаққатли ва шарафли йўлни босиб ўтмоқда. Истиқлол йиллари ва йўлларига назар ташласак, Президентимиз ва ҳукуватимиз томонидан олиб борилаётган оқилона давлат сиёсати, эзгу мақсадли халқимизнинг бирдамлиги, меҳнатсеварлиги, мардлиги ва матонатига гувоҳ бўламиз.

Айниқса, сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар ва қўлга киритилган муваффақиятлар, республикамизнинг барча ҳудудларидаги мислсиз ўзгаришлар, ҳар бир соҳага қаратилаётган эътибор боис ҳаётимиз тобора фаровонлашиб, бунёдкорлик ишлари жadal суръатларда давом этмоқда.

Энг муҳими, Янги Ўзбекистонда – инсон қадрини ва манфаатларини ҳамма нарсадан юксак даражага қўтарилди. Бу эзгу тамойил бор мазмун-моҳияти билан юртдошларимиз ҳаётида, тақдирини туб бурилишлар ясаб, уларни ҳаётдан рози яшашга замин яратмоқда.

Мустақиллик йилларида кўҳна тарихимиз, бой меросимиз, миллий давлатчилигимиз,

муқаддас динимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди, сайқал топди. Бугунги кунда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олийжаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, Ватан тақдирини ва келажагини дахлдорлик туйғуси юрагимизнинг туб-тубидан ўрин олди.

Мустақиллик берган энг катта ютуқ, имконият нималардан иборат деганда, биз ҳеч иккинчи истиклол инсонларга бугунги ва эртанги кунга нисбатан ишончли берди, деб айта оламиз. Ишонч ва хотиржамлик бор юрда эркин меҳнат ва ташаббуслар қанот ёзишини эса ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Мамлакатимизда сўнгги йиллар улкан ютуқлар даври бўлди. Бу йилларда бошқа соҳалар қаторида олий таълим тизимига ҳам эътибор ниҳоятда кучайди. Юртимиз ёшларининг замонавий билимларни эгаллаши, соғлом ва юксак маънавиятли бўлиб вояга етиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Айниқса, республикадаги бир қатор олий таълим муассасаларига академик ва молиявий мустақиллик берилиши олий илм даргоҳлари учун кенг имкониятлар яратиб беришга қўлмай, бир-бирини ажайиб ташаббуслар, ғоялар туғилишига, жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилишига, таълим сифати йўлида изланиш, имкон топшиш учун замин яратмоқда. Молиявий мустақиллик ўз номи

билан мустақил фаолият демандир. Бунда таълим сифати бош мақсад ҳисобланади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида олиб борилган кенг қўламли ислохотлар натижасида миллий давлатчилигимиз пойдевори мустаҳкамланиб, давлатимиз суверенитети, чегараларимиз дахлсизлиги таъминланди. Жамиятимизда тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини кучайтириш, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини рўёбга чиқариш бўйича улкан ишлар амалга оширилди.

Асосий Қонунимиз халқ фикри ва хоҳиш-истағи инobatга олинган ҳолда тобора такомиллаштирилмоқда. "Жамият – ислохотлар ташаббускори" деган ғоя асосидаги конституциявий ислохотлар натижасида Бош Қомусимизда инсон шъъни, қадр-қиммати, ҳуқуқлари энг муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мана шундай кизгин сиёсий жараёнлар палласида мақсадларимиз муштараклигидан, халқимиз бирдамлигидан фақат қувониш мумкин. Қалбимизда шукроналик, Ватанга муҳаббат туйғуларини барқарор эканлиги, барча пок ниятларимиз ижобат бўлаётгани, Ватанимиз, хонадонларимизда тинчлик-осойишталик, файзу барака борлиги эса улкан бахт, албатта.

**Собитхон ТУРҒУНОВ,**  
Наманган давлат университети ректори

Бугун-чи? Бугун уларнинг елкасига шамол теғди. Энди улар тадбиркорлик қилиш учун ёки тадбиркорлигини ривожлантириш учун бировларга сарғайиб ўтирмайди. Энди уларни Президент қўллаяпти, химоя қилаяпти, йўл-йўриқ кўрсатаяпти, юзма-юз мулоқот қилаяпти.

Шундай, Президентнинг тадбиркорлар билан очик мулоқотни йўлга қўйиши уларнинг тобора сўниб бораётган орзу-умидларига ишонч уйғотди, ғайрат ва шижоатини жунбушга келтирди. Ўз бизнесини йўлга қўйиш учун бор билим ва салоҳиятини ишга сола бошлади. Фаолиятини кенгайтираяпти, иш ўрни яратаяпти.

22 август кунин Президентимизнинг Халқаро конгресс марказида тадбиркорлар билан навбатдаги очик мулоқоти бўлиб ўтди. Юртимиздаги кўзга кўринган тадбиркору ишбилармонларнинг барчаси Президент билан мулоқот қилишга жам бўлган. Давлатимиз раҳбари тадбир аввалида юртимиз ишби-

лармонларини Тадбиркорлар кунин байрами билан табриклаб, улар мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширишда асосий куч эканини таъкидлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасин Президентининг 20 августдаги фармонида мувофиқ, тадбиркорлар кунин муносабати билан мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган 29 нафар қўшиқчи ва илғор тадбиркор орден ва медаллар билан мукофотланган эди. Тадбирда ана шу юксак мукофотлар ўз эгаларига топширилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасин Президентининг 2022 йил 19 августдаги қарори билан “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони ҳам таъсис этилган эди. Мазкур мукофотга сазовор бўлган 100 нафар тадбиркорга ҳам жойларда ушбу янги кўкрак нишонлари топширилди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас, давлатимиз раҳбари кўп иш ўринлари яратган, ўз соҳасида инновация ва

ислохотлар қилган, эл-юрт орасида обрў қозонган бизнес вакиллари меҳнатини эътироф этиш учун “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тадбиркор” фахрий унвонини таъсис этиш таклифини ҳам билдирди.

Тадбир иштирокчиларидаги ҳаяжон, бугунидан шўкроналик, эртанги кунга ишонч мазкур тадбирни оммавий ахборот воситалари орқали кузатиб турган юртошларимизни ҳам тўлқинлантириб юборди.

Тўғрида, кечагина тадбиркорлик қиламан деб минг тўсиққа боши урилиб турган ишбилармон бугун Президент қаршисида. Ютуғиниям, режасиниям, муаммосиниям очик айтаяпти. Юрт раҳбари унга далда бераяпти, ишонч билдираяпти, муаммоси бўлса, унга ечим қидираяпти. Президент айтаяпти: “Мен сизларни фаровон ҳаётимиз бунёдкорлари, деб биламан ва бу йўлда сизлар билан доим биргаман”. Тадбиркорга бундан ортик қўллов борми?

Президентнинг навбатдаги тадбиркорлар билан очик мулоқоти арафасида ҳам “call-марказ” ташкил этилди ва тадбиркорлардан 12 мингдан ортик мурожаат келиб тушди. Уларда шахсий ёки маҳаллий муаммолар билан бирга қатор масалалар ҳам кўтарилган. Улар бўйича энг мақбул йўللари топиш учун таҳлилий иш олиб борилиши қайд этилди.

Хуллас, Президентнинг тадбиркорлар билан галдаги очик мулоқотида ҳам юртимизда фаолият юритаётган тадбиркорлар учун қатор қулайликлар, имтиёзлар, имкониятлар яратилди. Буни, албатта, халқимиз кўрди, эшитди, ўқиди. Шундан сўнг кўпчилик юртошларимиз шу кеча-ю кундузда тадбиркорликни бошлаб юборгани ҳам айна ҳақиқат.

Энди тадбиркорлар нафақат ишлайди. Энди улар эришаётган ютуқлари билан ўртоқлашади. Эндигина тадбиркорлик фаолиятини бошлаётганларга ўрнатилган бўлади.

# ТАДБИРКОР КЕЧА КИМ ЭДИ?

**Дарҳақиқат, кечаги тадбиркор ким эди? Турли идораларнинг эшиги олдида сарғайган, ишни йўлга қўяман деб ойлаб, йиллаб ҳужжат тахлаган, кредит олиш учун банкда мулзам бўлиб ўтирган, ҳокимларнинг соясига салом бериб, солиқчининг кўзидан пана бўлиб юрганлар кечаги тадбиркорлар эди.**



**Зилола САЛОМОВА,**  
Навоий шаҳридаги “Favorit lyuks servis” масъулияти чекланган жамияти раҳбари.



## ТАДБИРКОРЛИК — ТАҚДИРИМ

— Яқинларимнинг аксарияти тадбиркорликдан ҳалол ризқ-насиба ва обрў-эътибор топгани учун мен ҳам шу йўлдан бордим. Азалдан орзуим хотин-қизларимизга озгина бўлса-да қулайлик яратиш, уларнинг дастурхонига файзу барака киришти, оғирини енгил қилиш эди.

Салкам йигирма йилдан буён тадбиркорлик билан шўғулланаман. Дастлаб кичик бинони ижарага олиб, уч нафар ишчи билан турли хил ширинлик-пишириқлар тайёрлаб, эл дастурхонига етказа бошладик. Кейинчалик эса қилган даромадларимиз ҳисобидан жойимиз кенгайди, ишчиларимиз сони ҳам ортди. 4 йилда ишлаб чиқарилаётган қандолатчилик маҳсулотларимиз сони ҳозир 200 турдан ошди.

Бу, албатта, ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Топишлар ва йўқотишлар, ютуқлар ва рақобатлар ҳам бизни четлаб ўтмади. Аммо юртимиздаги тадбиркорликнинг нуфузини ҳамда ҳусусий секторнинг иқтисодийти-миздаги улушини анада ошириш борасидаги устувор вазифалар ҳаётда

ўз аксини топди. Албатта, бугунги кунда истеъмол бозорида ўз ўрнини топдик.

Бугун тадбиркорлик иқтисодиётнинг асосий негизига айланди. 20 август мамлакатимиз тарихида тадбиркорларга аталган кун сифатида қолди. Яъни, энди ҳар йили ушбу кунда юртимизда тадбиркорлар кунин кенг нишонланади. 22 август кунин худди ана шу кун муносабати билан 100 нафар тадбиркорнинг меҳнатлари эътироф этилиб, “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланди. Ана шу тақдирланганлар қаторидан жой олишим, тақдирланган 6 нафар навоийлик тадбиркорнинг биттаси эканимнинг ўзи мен учун катта шараф ва қўтилмаган бахтирди.

Фаолиятимиз йилдан-йилга ривожланмоқда. 2020–2022 йилларда жами 18,990 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва шунга яраша даромад олдик. Олинган даромадлар ҳисобига Россия Федерациясидан “ТекоМакиз” 17 хил турдаги макрон ишлаб чиқарадиган (автомат)

асбоб-ускуналари келтирилди. Натижада корхона томонидан аҳолига сифатли ва арзон макрон маҳсулотларини етказиб бериш йўлга қўйилди. Келажакда сифатли маҳсулотлар турини бундан-да кўпайтириб, қўшни давлатларга экспорт қилиш режамиз бор.

Бундан ташқари, корхонамиз Германиядаги “Wachtel” компаниясининг нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 2 та ускуна билан иш бошлаган бўлса, кейинги йилларда Хитой давлатининг “Lijia” компаниясининг қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ускуна, нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “YCD-3-9D1” русумли 12 донга 3 қаватли электр печи, “NFQ-380” русумли хамир ёйиш аппарати, 6 та хамир қориш аппарати, 12 та крем тайёрлаш аппарати олиб келиб ўрнатилди. Банк кредити ҳисобига олинган мазкур технологиялар янги иш ўринларининг яратилишига ва маҳсулот сифатининг ошишига хизмат қилмоқда.

Келгусида ресторан ва меҳмонхона бизнеси йўналишини ҳам ташкил

этиш ва хотин-қизлар учун 150 га яқин янги иш ўринлари яратишни режалаштирганмиз. Навоий кончилиги ҳамда Кармана озик-овқат саноати ва меҳмонхона хўжалиги касб-ҳунар коллежларининг “Ресторан ва меҳмонхона бизнеси” йўналиши билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.


Тадбиркорлик — менинг тақдирим. Соҳадаги хизматларимнинг роҳатини кўриб юрибман. Элимизнинг дуо-си ва эътибори тўғайли корхонамиз 2016 йилда Навоий шаҳрида “Энг намунали қандолатчилик корхонаси” деб топилган эди. Халқимизга ҳалол хизмат қилиш асосий мақсадимиз ва ширимиз бўлиб қолади.

### ХУЛОСА

Ҳа, кечагина фарзандининг тадбиркорлик қилиш ниятига рўйхуш бермаган ота бугун унга оқ йўл тиламоқда. Чунки отанин энди кўнгли тўқ. Тадбиркорга кенг йўл очилди, унинг ҳуқуқлари химоя қилинмоқда. Хулоса ўрнида айтар сўзимиз шу: тадбиркорлик вақти келди, тадбиркор замони келди! Мақсадни улғ, маррани баланд қилин, фаровон иқтисодийнинг таянч нуқталари!

**Ёрбек ИСКАНДАРОВ,**  
“Инсон ва қонун” муҳбири

## ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ ҲАМ ИШГА ЖАЛБ ҚИЛИНГАН ХОДИМЛАРГА КОМПЕНСАЦИЯ ПУЛИ ТЎЛАБ БЕРИЛДИ



АНДИЖОН

Мурожаатда марказ ходимлари дам олиш, яъни шанба ва якшанба кунлари ҳам раҳбарият томонидан ишга жалб қилинаётганлиги, бироқ бунинг учун ҳеч қандай қўшимча ҳақ тўланмаётганлигини билдириб, ойлик маошига қўшимча компенсация ўндиришда амалий ёрдам сўраган.

Мурожаат туман адлия бўлими томонидан тегишли тартибда ўрганиб чиқилди. Ўрганиш давомида марказнинг уч нафар ходими бир неча йил давомида дам олиш кунлари ҳам ишлаб келганлиги, лекин уларнинг иш ҳақига қўшимча компенсация пули берилмаганлиги аниқланди.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 157-моддасида иш вақтидан ташқари, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорда ҳақ тўланиши белгиланган. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 декабрдаги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг тизимига кирувчи ташкилотлар ходимларини моддий рағбатлантириш шартлари ва тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 5-бандида ишдан ташқари вақтда ишга жалб этилгани учун тўловлар ҳамда бошқа пуллик компенсация-

лар уларнинг ойлик маошига қўшимча тарзда тўлаб берилиши кўрсатилган.

Юқоридагиларга асосан, туман адлия бўлими томонидан марказ ходимларининг уч йил давомида дам олиш кунларида ишлаганлиги учун ҳақ тўланиши юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Асака туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, жавобгарнинг зиммасига марказ ходимларига 17 миллион 391 минг сўм қўшимча компенсация тўловларини тўлаб бериш мажбурияти юклатилди.

Илҳомжон АҲМЕДОВ,

Асака туман адлия бўлими бошлиғи

**АСАКА** туман адлия бўлими томонидан туман ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази ходимларининг мурожаати ўрганиб чиқилди.

БУХОРО

БУХОРО вилоят маданият бошқармасининг 18 нафар ходимига устама тўловлари тўлаб берилмаётганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати вилоят адлия бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилди.



МАДАНИЯТ БОШҚАРМАСИ

### МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИНИНГ УСТАМА ПУЛИ УНДИРИЛДИ

Ўрганиш жараёнида ходимларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг 11-бандига асосан тўланиши лозим бўлган устама пуллари тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Мазкур қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида маданият ходимлари манфаатида фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суднинг қарорига асосан 18 нафар ходимга 476 миллион 132 минг 937 сўмлик устама пули тўлаб берилди.

Туйғун АЗИМОВ,

Бухоро вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

ТОШКЕНТ

ФУҚАРО С.Ш. Бектемир туман адлия бўлимига мурожаат қилиб, туғилганлик ҳақида гувоҳнома олишда амалий ёрдам сўраган.

### ФУҚАРО МУРОЖААТИ ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ



Мазкур мурожаат юзасидан туман адлия бўлими томонидан Вазирлар Маҳкамасининг "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларининг 19-бандига кўра 16 ёшдан ошган тиббий муассасадан ташқарида ва тиббий ёрдамсиз туғилган болага нисбатан тиббиёт муассасаси томонидан туғилганлик ҳақидаги маълумотнома расмийлаштирилмаган бўлса, бундай шахсларнинг туғилганлигини қайд этиш суднинг ҳал қилув қарори асосида амалга оширилиши белгиланган.

Шу сабабли туман адлия бўлими томонидан фуқаро манфаатида фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судига ариза киритилди. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан фуқаро С.Ш.га туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома расмийлаштириладиган бўлди.

Охунжон ЭШОНҚУЛОВ,

Бектемир туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси

ТОШКЕНТ

МЕҲНАТ КОДЕКСИНИНГ 233-моддасига мувофиқ, аёлларга туққунига қадар етмиш календарь кун ва туққунидан кейин эллик олти календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда – етмиш календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, нафақа тўланиши белгиланган. Ҳомиладорлик ва туғиш таътили жамланган ҳолда ҳисобланиб, туғишга қадар амалда бундай таътилни неча кунидан фойдаланилганидан қатъи назар тўлиқ тўлаб берилади.



### НАФАҚА ПУЛИ ТЎЛАНДИ

Мирзо Улуғбек туман адлия бўлими томонидан тумандаги айрим ташкилот ходимларининг ҳомиладорлик ва туғиш таътили тўловлари юзасидан ўрганиш ўтказилганда, баъзи қонун талаблари бузилиши ҳолатлари аниқланди.

Хусусан, туман халқ таълими бўлимининг маълумотида кўра, тумандаги 256-ўмумтаълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси М. Юсуповага 2022 йил 1 апрелдан ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилиши муносабати билан 10 миллион 29 минг сўм нафақа пули ҳисобланган. Аммо айрим сабабларга кўра, нафақа пули ўз вақтида тўлаб берилмаган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 493-моддасига асосан, мансабдор шахс томонидан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини қонунчиликда белгиланган миқдорда тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш, – базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Юқорида қайд этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан туман адлия бўлими томонидан туман халқ таълими бўлимига тақдимнома киритилиб, фуқаро М. Юсуповага ҳомиладорлик ва туғиш таътили учун ҳисобланган нафақа пули тўлиқ тўлаб берилди ва масъул шахсларга нисбатан инфғизомий жазо чораси қўлланилди.

Аброр БЕРДИЕВ,

Мирзо Улуғбек туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси

ТОШКЕНТ

### ҲОКИМ ҚАРОРИ БИНОНИ БУЗИШГА АСОС БЎЛДИ, КОМПЕНСАЦИЯ ПУЛИНИ ТЎЛАШГАЧИ?



ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адлия идораларининг муносиб ўрни бор. Жумладан, Қуйи Чирчиқ туманидаги "Жумагул" маҳалласида яшовчи фуқаро Д. Асатхановнинг Дўстобод шаҳарчаси, "Биби-хоним" кўчасидаги савдо дўкони биноси туман ҳокимлиги томонидан буздирилганлиги, лекин компенсация пули тўланмаганлиги юзасидан норози бўлиб йўллаган мурожаати туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, туман ҳокимлиги тадбиркорни оғохлантириш хати билан 10 кун муддатда иншоотни бузиб, участкани давлат эҳтиёжлари учун бўша-тиб беришини талаб қилган. Ва туман ҳокимининг қарорига асосан тадбиркорга компенсация пулини тўлашни ваъда қилиб, унга тегишли бўлган нотурар савдо дўкони биносини мажбуран буздирган.

Бузилишга тушган бинонинг қиймати "Гига Присе" баҳолаш компанияси томонидан 79 миллион 724 минг сўмга баҳоланган бўлса-да, туман ҳокимлиги томонидан ушбу пул тўланмай келинган.

Адлия бўлими ушбу ҳолатда тадбиркорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 6,19-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги Фармонида асосан фуқаролик ишлари бўйича Қуйи Чирчиқ туманлараро судига даъво аризаси киритди. Суднинг қарорига асосан тадбиркорга 79 миллион 724 минг сўм компенсация пули тўлиқ тўлаб берилди.

Шоҳрух НҲМОМОВ,

Қуйи Чирчиқ туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси



# ВАТАН ЮРАКЛАРДА ТУҒИЛАДИ

## ВАТАНИ БИЛАН ФАХРЛАНМАГАН ИНСОН ВАТАНСИЗДИР

**ВАТАН** меҳри қалбимизга она оқ сути билан кирган, бу меҳр томиримиздаги қонимиз каби қутлуг. Ватанни севишни, фахрлинишни қалбимизга улуг шоирларимизнинг ўлмас қасидалари-ю, сеvimли ҳофизларимизнинг сеҳрли оҳанги ҳам муҳрлаган, десак асло муболага бўлмас. Эркин Воҳидовнинг “Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон, ўзбегим, Сенга тенгдош Помиру оқсоч Тиёншон ўзбегим...”, Абдулла Ориповнинг “Мен нечун севаман Ўзбекистони? Тупрогин кўзимга айлаб тўтиё...”, Муҳаммад Юсуфнинг “О, ота маконим, онажон ўлкам, Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга...”, деган сатрларини ҳар тақдорлаганда юрак фахрга тўлади, тоғлар каби юксалгандек бўлаемиз.

**В**атан меҳри билан бағримиз бутун. Тонгинг отишини кузатганмисиз? Кўёнинг заррин нурлари бошимизга нур сочиб кўзимизни қамаштирганда, қушларнинг овози Тинчлик куйига жўр бўлганда, юракларимиз улугвор мақсадларга тўлиб-тошганда, осмонимизда олтин қанот қушлар парвозини ҳар гал кузатганда, бутун дунё сайёҳлари қадим Самарқанду Бухоро мизни бир кўришга ошиққанда, буюк алломаларимиз, азият авлиёларимизни кўларга кўтариб, таъзим қилганида, жажжи набиримиз эркаланиб уйқусидан уйғонганида шу азият Ватан барчамизники эканлигидан ғурурланиб, юрагимиз ҳаприқиб, Яратганга шукрона келтирамиз.

Ҳа, Ватан бизни аллаган бешик! Ватан бизга куч берган табарруқ Замин, Ватан бизга бахт берган осуда Осмондир. Ватан таърифларга сифмайдиган муқаддас макон. Унинг оғир-оғир қаровонлари, аччиқ-аччиқ армонлари бор.

### ОЗОДЛИКНИНГ ОҒИР ЙЎЛИ

Ўтмиш келажакнинг томири. Келажак ҳаммиса ўтмишдан баланд, ўтмишдан кучли. Ўтмишда шундай замонлар бўлганки, Ватаннинг қўллари боғланган, тили кесилган имконсиз даврларни бошдан ўтказган. Уюштирилган қонли низолар, қонли саҳифаларнинг доғи ҳеч қачон Ватаннинг кўк-

сидан ювилиб кетмайди. Тарихни эса унутиб ҳам, ўзгартириб ҳам бўлмайди.

Гарчи, Ватан озодлиги учун отилган, осилган, сургун қилинган бегуноҳ азизларимиз, буюкларимиз номи кейинчалик оқланган бўлса ҳам, “пахта иши” деган аччиқ талаффуз, қора тамга ўтмишда қолган бўлса ҳам, унинг қатларида захар ютган халқимизнинг армонлари борлигини тақрор-тақрор айтиш жоиз. Истиклол ҳақида гапирганда ўша кунлар таърибёр ёдга тушади. Эл бошига қора кунларни солган, “оқ олтинни олтин қўллар яратди” деган сохта шиор билан оқ олтинни яратган миллионлаб қўлларга кишан солган ўша даврдаги йўқотишларнинг ўрнини энди тўлдириб бўлмайди.

Оҳ, десак оҳимиз, фиғонимиз кўп. Собиқ иттифоқ йўлланмаси билан юборилган амалдорларнинг шарқона одобимизга, нону тузимизга тупурганига чидаган халқимиз. Узоққа бормайлик. Мана бу воқеани ҳар эслаганда, аламдан вужудимиз зиркарайди. Навоий вилоят собиқ партия кўмитасининг биринчи секретари, ленинградлик, А. Фимов деган жанобнинг хонасига кирган ҳамюртимизнинг саломга чўзилган қўлларини уриб қайтарганини ҳозир ҳатто эслаш ҳам одамни ғазаблантиради. Ёхуд ўтган асрнинг максонинчи йилларида кўплаб маърифатли зиёлиларимиз, олимларимизни ёмонотлик, халқни эса саводсиз қилиш мақсадида уларни партия аъзо-

лигидан ўчириб, ишдан ҳайдаш, жиноий жавобгарликка тортиш “мода”га айлангани, миллий урф-одатларимизга биноан отасини сўнги йўлга кузатиш, видолашиш учун қабристонга боргани сабабли собиқ Томди туман партия кўмитасининг биринчи котиби А. Елемесовнинг ўз мансабидан айрилгани ҳақидаги ҳақиқатлар бутун ўтмишда қолди, аммо хотирадан, юракдан ўчгани йўқ. Қадр-қимматимиз, ҳақ-ҳуқуқларимиз ким-кимларнинг оёғи остида қолган замонлардаги маънавий жароҳатларнинг чандиғи ҳамон танамизга оғриқ беради.

### БАҒРИКЕНГЛИК – БОЙЛИГИМИЗ

Ватан деса мустақилликнинг илк йилларида Ватанимизнинг энг юксак мукофоти – Ўзбекистон Қаҳрамони унвони “Олтин юлдуз”ни мамлакатимизда яшаб, фидокорона меҳнат қилаётган, Ўзбекистонга бутун ҳаётини, билим ва маҳоратини бағишлаган бошқа миллат вакиллари, оддий касб эгалари кўксига бағрикенглик билан тақиб қўйилгани кўз ўнгимизга келади. Ёки ушбу мукофотга сазовор бўлган томдиллик чўпон Серикбай оға Сағатовнинг пойтахтга Президент қўлидан “Олтин юлдуз” нишонини олиш учун Навоий шаҳри орқали келиши ва буюк мутафакир номи билан аталган дилбар шаҳарга илк бор келган қаҳрамоннинг “Умримда бундай чиройли қалъани биринчи марта кўришим” дея ҳайратланишида хо-

кисор ва содда инсон ифтихори борлигидан ғурурланамиз.

Ватан ифтихори деганда ўзи ҳимояга муҳтожу, имконияти чекланган бўлишига қарама-дасдан, ватанимиз шарафини халқаро спорт майдонларида ҳимоя қилган, бир қўли билан қўлиқтаёққа суяниб, бир қўли билан Ўзбекистонимиз байрогини баланд кўтарган, тақрор-тақрор жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлган матонатли, мард спортчи йигитларимиз, чексиз имкониятлар эгаси кўз ўнгимизда гавдаланади. Барча миллат ва элатлар бир оиладек аҳил ва иноқ давру даврон сураётган шу азият юртимиз бор бўлсин, мангу тинч бўлсин!

### ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ!

Истиклол Ўзбекистонни нафақат ҳамюртларимиз балки ўзга юртлардан ўлкамизга меҳр қўйиб келган олижаноб инсонларга ҳам бу менинг Ватаним деб севишга ўргатганига гувоҳимиз. Чексиз меҳр ва афсонавий саховат эгаси, буюк ҳамдард корейлик Рональд Хонг 90 йиллик ўмрининг 25 йилини жисмоний имкониятлари чегараланган умидвор ҳамюртларимизга умид ва қувонч бағишлаган сарфлагани бизни қойил қолдирди. Ўзи автохалокат туфайли ёшлигида бир оёғидан айрилган, бахтсиз тасодифлар туфайли протез оёқ-қўлларга муҳтож бўлиб қолган инсонларга оиласи билан Ўзбекистонда яшаб, беминнат, беғараз ёрдам бераётган бундай инсонни юртимизга боғлаб турган ўзбекона меҳр-оқибат бор бўлсин!

Ватан деса кўз ўнгимизга ўзи озарбайжонлик, лекин Ўзбекистонни ватаним деб ардоқлайдиган тадбиркор йигитнинг улкан ютуқлари келади. Ота-онаси билан болалигида Зарафшон шаҳрига кўчиб келган озар йигитининг “Боқуда туғилганман лекин менинг ватаним Ўзбекистон” деган сўзларида чексиз меҳр, фахр ва ифтихор бор.

### ВАТАННИНГ КАТТА-КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

Чиндан ҳам Ватаннинг катта-кичиги бўлмайди. Ҳатто ҳар йили уйимиз айвонида болалари учун лойдан, хас-хашаклардан мўъжазгина ошиён курадиган хосиятчи қуш – қалдирғочда ҳам Ватан туйғуси бор. У ҳам уйимизга ҳар йил баҳор келиши билан яна қайтиб келади. Чумоли ҳам ўзига ошиён қуриш учун тиним билмай меҳнат қилади. Чумолининг уйини бузиб бўлмайди. Чунки бу унинг Ватани...

Митти юракларда катта Ватан сурати

чизилганлигини кўрганда, Ватан ҳақида кўзида ёшлар билан гапирган йигит-қизлар билан сўхбатлашганда эса Ватаннинг тимсоли янада улугворлик касб этади. Ўтган йили Навоийдаги “Меҳрибонлик уйи” тугатилишидан аввал тарбияланувчилар хайрлашув кечаси муносабати билан “Катта одамлар” деб номланган кичик фильм тайёрлашди. Лавҳадаги кўзда ёш билан айтилган сўзларни кўзда ёш билан тинглайсиз. Турли миллат вакиллари ўз бағрига олган меҳрибонлик уйида тарбияланганларнинг катта Ватани ҳисобланган бу тарбия маскани ҳақидаги сўзларини тинглаб титраб кетасиз. Аслида фарзанд учун ота-она бағри энг улуг, энг тенгсиз ватан.

Афсуски, тақдир чорраҳасида ота-она номига арзимайдиган тошбағирлар ташлаб кетган ўғил-қизлар уларнинг кўз ёшларини артган бу даргоҳни ўз ватанлари, ўз ошиёнлари деб ҳисобланганларида тасвирга сифмайдиган армонни ҳис этасиз. Бу изҳорларнинг, бу икромларнинг сохтаси йўқ, ёлғони йўқ. Улар кичиклигидаёқ катта одамга айланган, меҳрни, муҳаббатни, садоқатни, сабр ва тоқатни ўрганган кучли қалб эгалари. Уларни юракдаги ватанлари суяб туради, яхши одамларнинг муҳаббати қўллаб туради. Ватаннинг катта-кичиги бўлмайди. Ватан юракларда туғилади.

Маруса ҲОСИЛОВА,  
“Инсон ва қонун” муҳбири



# ОЛИЙ ТАЪЛИМДАГИ ОҚСОҚЛИК БУНИНГ САБАБЛАРИ НИМАДА?

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида мамлакатимизда олий таълимни янги босқичга олиб чиқиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган йўналишлар ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан кўрсатиб ўтилган.

Янги ташкил этилган институт ва филиаллар ҳисобидан юртимиздаги олий таълим ташкилотлари сони 170 дан орткини ташкил қилмоқда. Кейинги бир йилда Ўзбекистонда ўндан ортик таълим ташкилоти ва уларнинг филиали ташкил этилди. Олий таълимда иктисодиётнинг реал секторидagi талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда сиртки, кечки ва масофавий ўқув йўналишлари очилди. Бироқ мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда амалга оширилиши лозим бўлган ҳолатлар ҳам мавжуд.

Биринчидан, олий таълим билан аҳолининг жуда кам миқдори – 12,9 фоизи камраб олинган. Қабул учун қатъий квота ўрнатилган. Олий таълим билан ҳамма камраб олишнинг имкони йўқ. Мазкур амалиётни халқаро тан олинган стандартларга мослаштириш зарур.

Иккинчидан, мамлакатимизда келажакда яратилиши мумкин бўлган иш ўринларининг сонига тўлиқ мос келадиган кадрларни тайёрлаш қаратилган сиёсат олиб бориюмоқда. Аммо, халқаро тажриба шунга кўрсатадики, хорижий давлатларда олий ўқув юртиларига қабул квотасини белгилаш тўлиқ мустақил жараён. Квотани аниқлашда “хар бир битирувчи ишга жойлаштирилиши шарт” деган тамойилга асосан иш юритилмайд.

Учинчидан, салоҳиятли кадрлар хорижий давлатларга, асосан МДХ давлатларига чиқиб кетмоқда. Хусусан, ЮНЕСКОнинг Статистика институтини маълумотларига кўра, 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра 53 минг нафар талаба хорижга кетган. Уларнинг асосий қисми Россияга (расмий манбаларга кўра, 30 мингдан ортик), Украина, Қозғистонга (2020 йилда Қозғистон ҳукумати Ўзбекистон фуқаролари учун ОТПларда 10 минг ўрин ажратган) ва бошқа Шарқий ва Ғарбий Европа ҳамда Осиё давлатларига чиқиб кетмоқда.

Тўртинчидан, олий таълим муассасаларининг кадрлар таркиби ва уларнинг салоҳияти талаб этилганидан зарур мухтаассиларни тайёрлашга имкон бермайди. ОТПларда мансаб оқладлари даражаси рақобатбардор эмас. Мавжуд муҳит педагогларнинг ўз устида ишлашни рағбатлантирмайд.

ОТП бошқаруви қатъий марказлашган, педагог ходимлар ўқув ишларига боғлиқ бўлмаган ташкилий ишларга мунтазам равишда жалб этилади. Булар яққол намоён бўлаётган муаммолардир.

Бешинчидан, мавжуд давлат олий таълим муассасалари

ҳақиқатда молиявий мустақил эмаслиги таълим соҳасида рақобатни йўққа чиқармоқда. Қонунчилигимиз давлат олий таълим ташкилотларини хусусийлаштиришга имкон бермаслиги таълим бизнесига 10-15 миллион долларгача инвестиция киритишга қодир бўлган инвесторларнинг қизиқишларини пасайтиради. Бу эса, янада сифатли таълим хизмати кўрсатиш имконини берадиган хусусий ОТПларни ташкил қилишга йўл бермайди.

Ўзбекистонда олий таълим олишга бўлган эҳтиёжнинг юқорилиги, лекин ажратилган квоталар сонининг камлиги бор ҳақиқат. Бу олий таълимдаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда олий таълимга эга бўлган фуқароларнинг сони оғшишида олий таълим ташкилотларининг сони ўсиб бориши ҳам хал қилувчи омил ҳисобланади. Аини кунда мамлакатимизда 35 миллиондан ортик аҳоли учун 170 дан ортик олий таълим ташкилоти (университетлар филиаллари ва хорижий давлатлар университетларини қўшиб ҳисоблаганда) фаолият юритмоқда.

Бу кўрсаткични бошқа давлатлар билан солиштирсак, тафовут яққол кўзга ташланади. Россияда 607 та давлат ва 358 та нодавлат олий таълим ташкилоти фаолият юритади. Уларда ҳам 4,7 миллион талаба таҳсил олади (аҳолиси тахминан 144 миллион). Қозғистонда 122 та олий ўқув юрти мавжуд, уларда 496 мингдан ортик талаба ўқийди (аҳолиси тахминан 17 миллион). Қирғизистонда 56 та олий таълим даргоҳи 230 мингдан ортик талабани камраб олган (аҳолиси тахминан 7 миллион). 2018-2019 йил статистикасига кўра, Буюк Британияда 164 та олий таълим ташкилоти мавжуд (аҳолиси тахминан 68 миллион). Талабалар сони 2020-2021 йилдаги маълумотларга кўра, 2 миллион 500 мингдан ошди, шулардан тахминан 440 минг хорижий талабалар эканлигини ҳам таъкидлаш лозим. Ушбу рақамлар олий таълим камрови бўйича кўрсаткичларимиз нисбатан анча паст эканлигини тасдиқлайди.

Олий таълим ташкилотларига талабалар қабул қилиниши умумий кўрсаткичларини 2030 йилгача босқичма-босқич 50 фоиздан ошириш назарда тутилмоқда. Ўзбекистонда режалли иктисодиётдан аллақачон воз кечилган бўлса-да, таълим тизимиди хали-ҳануз квоталар ва режаллаштирилиши самарасиз усуллари билан рағбатланишмоқда. Бир сўз билан айтганда, таълим соҳасида бозор иктисодиёти механизмлари жорий қилинмаган.

## Олий ўқув юртлири ўз битирувчиларининг кейинги тақдири билан қизиқмайди

Ўзбекистонда бутунги кунда мавжуд олий таълим ташкилотлари қатъий белгиланган квоталар билан ишлайди. Мавжуд олий таълим ташкилотларининг инфра-

структураси, педагог ходимлар билан таъминланганлик даражаси ва ўқув техник таъминоти квотадан ташқари абитуриентларни камраб олиш имкониятига эга эмас.

Хорижий университетларнинг филиалларини очиб механизмлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқ белгиланмаган. Ушбу филиалларнинг фаолият юритиш моделлари ишлаб чиқилмаган. Давлат олий таълим ташкилотларини хусусийлаштириш имконияти мавжуд эмас.

Олий таълим ташкилотлари ўртасида рақобат йўқ. Ривожланган давлатларда олий таълим ташкилотлари иқтидорли талабаларни ўзига жалб қилиш учун рақобат олиб боради. АҚШ тажрибасида самарали қўлланидиган стандартлаштирилган тестлар – SAT ёрдамида абитуриентлар билими ва салоҳиятини аниқлаштириш орқали барча абитуриентлар билимини баҳолашни унификациялаштириш имконини беради.

Ушбу соҳадаги яна бир муаммо – олий ўқув юртлири ўз битирувчиларининг кейинги тақдири билан қизиқишдан манфаатдор эмас. Аслида битирувчининг тез ва сифатли ишга жойлашиши даражаси муайян олий ўқув юртининг самаралорлигини белгилувчи асосий омил бўлиши лозим.

Ривожланган мамлакатларда абитуриентлар бирон бир университет ва дастурни танлашлари учун асосий кўрсаткич (индикатор) битирувчиларнинг ишга жойлашиш статистикаси ҳисобланади. Уларнинг қанчалик тез ва нуфузли ишга жойлашгани битирувчилар сифатини белгилаб берадиган асосий мезон сифатида эътироф этилади.

Таълим сифатини оширишда олий таълим ташкилотлари ўртасида соғлом рақобат бўлиши зарур. Бунинг учун бир хил йўналиш бўйича кадрлар тайёрлайдиган университетлар қўйишни керак.

Олий таълим муассасасида маркетинг ва менежмент асосларини чуқур эгаллаган, бозор иктисодиёти, жамият ривож эҳтиёжларини англаган замонавий бошқарувчилар ҳамда таълимга инновацион ёндашадиган педагог кадрлар етиштирилади.

АҚШ университетлари дунёда энг кучли рақобат шариғида фаолият кўрсатмоқда. Шанхай рейтингига кўра, дунёнинг 30 та энг рейтингли балинд университетларнинг 22 таси, 100 та энг машҳур университетнинг 51 таси АҚШ ҳудудида фаолият юритади.

Ўзбекистонда олий таълимни ривожлантиришга молиявий ресурсларнинг кечкирилиши, аксарият ҳолларда, хусусий секторни жалб қилишнинг окшани, маъмурий-бўйруқбозлик элементларини ўзиди сақлаб қолган тизим томонидан тартибга солишнинг мавжуд модели ҳам тўқсонлик қилмоқда.

Топ-1000 таллика кирган таълим ташкилотларининг аксарияти хусусий университетлардир. Улар ўз рейтингини сақлаб қолиш ва ошириш учун сифатли кадрни

меҳнат бозорига олиб чиқиш учун курашади. Ўзбекистонда ҳам олий таълим тизимини хусусийлаштириш зарур.

Хусусий таълимнинг ортиши соғлом рақобатни юзага келтиради. Нагизжада таълим сифатига алоҳида эътибор берилади. Хусусий таълимда сифатли таъминлаш учун малакали, рақобатбардор, хорижий тилларни ўзлаштирган профессор-ўқитувчилар таркиби шаклланишига ҳаракат қилинади. Бу эса, ижтимоий ва иқтисодий қафолатларни яхшилашга, хорижий давлатлардаги юқори малакали профессорларни мамлакатимизга жалб қилишга имконият яратди.

Олий таълим ташкилотларидаги иш берувчилар ҳам номзоднинг дипломидан кўра унинг билим ва савиясига эътибор бериши, таниш-билишчиликнинг олдини олиш имкони яратилади. Нагизжада талабани ҳеч қим “мажбуран” таълимга жалб қилиши шарт бўлмайд.

Сингапур тажрибасидан келиб чиққан ҳолда инсон ресуридан яхшироқ фойдаланиш мамлакат иктисодиётини янада яхшироқ ривожлантиради. Бу эса, таълимни ривожлантириш, унга қудайлик ва озолиқни ҳадя қилиш баробарида хусусий секторни давлат секторидан кўра доимо сифатлироқ ишлашни исботлайди. Давлат олий таълим ташкилотларини тўлиқ хусусийлаштириш талаб-тақлиф мувозанатини тўлиқ таъминлайди ва аниқлаштиради.

## Хориж тажрибаси қандай?

Дунёдаги таълим тизими тараккий этган АҚШ, Буюк Британия сингари давлатларда эндаумент-инвестиция фонди орқали маблаг жалб этиш билан олий ўқув юртлирининг молиявий мустақиллигини таъминлашга ҳаракат қилинади.

Бунинг ижобий томони – бу маблаглар асосан хайрия мақсадларида бўлади. Энг яхши томони, турли хил солиқлардан озод этилган учун олий ўқув юртлирининг барқарор молиявий мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур маблаглар профессор-ўқитувчиларнинг иқтисодий-ижтимоий қафолатларига, университетнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга, Гарвард университетиди техник ва қўмақчи ходим сифатида ишлаётган талабаларнинг ойлук маошларига ва бошқа фаолиятларга сарф қилинади.

Масалан, Нью-Жерси коллежи жамғармаси 2022 йилга келиб 30 фоизга ўсди ва 22,7 миллиардга етди. ЙЕЛ университети сармоясининг белгиланган рентабеллигига эса, 11,5 фоизни ташкил этди ва унинг фонд маблаглари 42,3 миллиард долларга баҳоланди. Олий таълим ташкилотлари шунга ўхшаш фондларни ташкил қилиш учун, биринчи навбатда, малакали топ менежерларни жалб қилиши, натижада эса йиллик даромаднинг 50-60 фоизини белгилаш мумкин.

Эндаумент-фондларини ташкил қилиш таълим сифатини оши-

ришда катта аҳамиятга эга. Айрим ҳолларда битирувчилар фаолиятининг кейинги муваффақиятлари билан ҳам белгиланади.

Маълум бир вақт ўтганидан кейин ҳаётда муваффақиятга эришган битирувчилар ўз маблагларидан таълим олган ўқув юртлирига хайрия қилиб, фонд маблагларини ошишига ва таълимнинг ривожланишига ҳисса қўшадилар.

Юртимизда эса, донорлар ва фуқароларнинг менталитетиди хайрия ва хайр-эхсон кадриятлари, хайр-эхсон учун мотивация воситалари ривожланмаган. Ҳомийлар учун етарли солиқ имтиёзлари мавжуд эмас. Университетлар юқори даражадаги бошқарува қизиқмайди. Мана шуларни бартафат этиш орқали топ-1000 университетлар қаторига қўшилиш мумкин. Чунки жаҳон амалиётиди олий ўқув юртлирининг рейтингини тузишда эндаументга тушумлар мезони муҳим кўрсаткич сифатида қўлланилади.

## Қабул квоталарини бекор қилиш лозим!

Дунёда олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг учдан бир қисмини хусусий олий таълим ташкилотларининг битирувчилари ташкил этади. Мамлакатимизда олий таълимни бошқаришда Конституциямизнинг 41-моддасида мустақамлаб қўйилган хар қимнинг билим олишга бўлган ҳуқуқларини тўлақонли қафолатлаш мақсадида давлат тасарруфиди олий ўқув юртлири фаолиятини тақомиллаштириш зарур. Шу билан бирга, хусусий олий таълим ташкилотларини ташкил этишга жиддий эътибор қаратиш давр тақозосидир.


Олий таълим ташкилотлари сони ва сифатини ошириш орқали қабул сонини ошириш ҳамда босқичма-босқич қабул квоталарини бекор қилиш лозим. Шунингдек, олий таълимга қабул қилинадиган талабалар сонини белгилашни таълим муассасалари мустақил амалга оширишига шароит яратиш лозим.

Халқаро микёсда етакчи нуфузга эга бўлган университетлар филиалларининг мажмуасидан иборат бўлган эркин иқтисодий зонани ташкил этиш зарур. Бу орқали Марказий Осиёда етакчи инновацион марказ пайдо бўлади. Мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш учун катта кадам қўйилади. Тошкент вилояти ҳудудида ўзида ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва таълим бериш жараёнларини камраб олувчи хусусий университетлар ёки хорижий университетлар филиалларини ташкил қилиш яхши самара беради. Олий таълим тизимиди education hub ташкил қилиш орқали ушбу ҳудудга эркин иқтисодий зона мақомини бериш мумкин.

Қозимбек ҒОЗИЕВ,

Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси

**БУГУН юртимиз аҳолисининг аксарияти дуч келаётган салбий ҳолатлардан бири бу, шубҳасиз, онлайн фирибгарликдир. Аниқроқ айтадиган бўлсак, банк карталаридаги пулларини нотаниш фирибгарларга тутқазиб қўяётганлар ҳақида кунда, кун ора ижтимоий тармоқларда лавҳалар узатилмоқда.**



# Рақамли гигиена

**рақамли дунёда осойишталикни таъминлай оладими?**

**ХАВФ НИМАДА?**

Мутахассисларнинг тадқиқотиға кўра "агар алоҳида бир давлат деб қараладиган бўлса, киберҳужумлар ва кибержиноятчилик 2021 йилда бутун дунё бўйлаб 6 триллион АҚШ долларига тенг миқдорда моддий зарар етказганлигини таъкидлаш жоиздир. Бунда эса биргина кибержиноятчиликнинг қўлами бутун АҚШ ва Хитойдан кейин дунёдаги учинчи йирик иқтисодийга айланади". Мазкур қиймат дунё давлатларида фаолият юритаётган махсус тузилмалар томонидан аниқланган ҳамда рўйхатга олинган зарарлар сони. Рўйхатга олинмаганлари эса, саноксиз.



Кўриниб турибдики, жиноятчиликнинг янги кўриниши аллақачон жамият ва давлатлар иддизига чирмашиб бўлган. Шунингдек, киберҳужумлар ва кибержиноятчиликнинг зарарли таъсири нафақат иқтисодийга пасайиш олиб келади, балки демографик ўзгаришлар, инкирозлар, давлатларнинг киберхавфсизликка ҳаддан ортиқ миқдорда бюджет маблағларини ажратиб беришига сабаб бўлади. Натижада ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг моддий кўмакларсиз қолиб кетишига олиб келадиган салбий эмирилишлар, таҳдидларни келтириб чиқаради.

## ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА?

Бу борада Европа Иттифоқи томонидан 2003 йил 23 ноябрда қабул қилинган Будапешт конвенцияси дастлабки халқаро ҳужжат саналади. Мазкур ҳужжатда интернет ва компьютер жиноятчилигиға оид миллий қонунларни уйғунлаштириш, тергов техникасини такомиллаштириш ва халқлар ўртасидаги ҳамкорликни ошириш орқали кибермуҳит хавфсизлигининг таъминлини назарда тутилган эди. Шунга қарамай,

кибержиноятчиликни тўхтатиш миллий киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмасини ҳимоя қилиш стратегиясининг ажралмас қисмидир. Хусусан, бунга АКТни жинойий ёки бошқа мақсадларда суистеъмол қилишга қарши тегишли қонунчиликни қабул қилиш ва миллий танқидий инфратузилмалар яхлитлигиға таъсир кўрсатишга қаратилган тадбирлар қиради. Киберхавфсизлик стратегиялари – масалан, кибержиноятчилик қурбонига айланишининг олдини олиш учун техник ҳимоя тизимларини ишлаб чиқиш ёки фойдаланувчиларни ўқитиш-кибержиноятчилик хавфини камайитиришга ёрдам беради. Киберхавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш кибержиноятчиликка қарши курашда муҳим элемент ҳисобланади. Дунёда мавжуд аналитик ташкилотлар ҳамда ишончли статистик база маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирда давлатлар рақамли маълумотларнинг хавфсизлигини, уларнинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш учун ҳар йили давлат бюджети харажатларини ошириб бормоқда.

Жумладан, АҚШ, Япония ҳамда Буюк Британияда киберхавфсизликни таъминлаш масаласи ҳамда унга ажратилаётган маблағ миқдори анча юқори.



## ЎЗБЕКИСТОНДА ВАЗИЯТ ҚАНДАЙ?

Бунда Ўзбекистоннинг эгаллаб турган ўрни яхши эмаслигини кўриш мумкин. Маълумотларға кўра, Ўзбекистон дунё давлатлари ичида киберхавфсизликнинг таъминланганлик даражаси бўйича 87-ўринни эгаллаб турибди.

Энг юқори сифатли киберхавфсизлик Грецияда ўрнатилган бўлса, энг паст кўрсаткич Жанубий Судан давлати томонидан қайд этилган.



Мазкур соҳада Ўзбекистонда қандай чоралар амалга оширилмоқда? Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларға мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги фармонида "Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларға мўлжалланган Тараққиёт стратегияси" ҳамда мазкур стратегияда "Кибержиноятчиликнинг олдини олиш тизимини яратиш" дастури илгарй сурилганлигини кўришимиз мумкин. Бунда 2023-2026 йилларға мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг киберхавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқиш, кибержиноятчилик учун жинойий жавобгарликни қайта кўриб чиқиш, ахборот майдонидаги киберҳужум ва таҳдидларни мониторинг қилиш тизимини янада такомиллаштириш каби муҳим вазифалар назарда тутилган.

Оқориди санаб ўтилган чоралар жорий йилнинг октябрь ойиға қадар амалга оширилиши белгиланганлигини алоҳида инобатға олиш зарур. Бу каби чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, албатта, яхши, бироқ ҳар бир фуқаро бундай вазиятларда янада ҳушёрроқ бўлиши мақсадға мувофиқдир. Шунингдек, бундай жиноятлар учун Жиноят кодексининг 278-моддаси билан жавобгарлик белгиланган. Жумладан, кибержиноят содир этган шахсларға нисбатан 30-90 миллион сўм миқдоригача жарама ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилиши белгиланган бўлган. Шунга қарамай, ҳалигача фарз ниятларда ўзганинг мулкиға кўз олайтираётганлар талайгина.

## ИШОНЧЛИ МУҚОБИЛ ЕЧИМ!

Рақамли гигиена. Яъни, биз кундалик турмушимизни уларсиз тасаввур қилмайдиган ижтимоий тармоқлар ҳамда электрон қурилмалар, шунингдек, интернет жаҳон тармоғидан хавфсиз фойдаланиш тартиб-қоидаларидир. Илмий томондан қаралганда эса, "рақамли гигиена одамларни кибер хатарларни минималлаштириш мақсадида мунтазам равишда рақамли амалиётларни бажаришға ундовчи воситадир". Ушбу атама илк бор 1977 йил октябрь ойида Жамес институтидиға маърузалардан бирида Сузан Сонтаг томонидан қўлланилган бўлиб, ҳарбий ёки уруш ҳаракатларида ишлатиладиган "киберхавфсизлик"дан фарқли ўлароқ, "рақамли хавфсизлик" шахсининг соғлиғи билан боғлиқ атамани англатади.

"Рақамли гигиена" шуни ўргатадики, маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш учун бир неча босқичли назоратни ўрнатиш шарт. Куйида энг яхши восита ва усулларни эслатиб ўтаимиз.

Қурилманинг хавфсизлик жиҳатидан мустаҳкамлигиға ишонч ҳосил қилиш, доим ҳимояланган тизимлардан фойдаланиш. Кираётган сайтларнинг зарарли эмаслигини сайтға киришдан олдинроқ текшириш. Интернетда файлларни юклаб олаётганда хавфсизлик чораларини кўриш. Ҳар қандай ҳолатда ҳам берилган ташқи хотира қурилмаларини антивирусға текширувдан ўтказиш. Фаёқултда пайдо бўлувчи экран рекламалари ва эълонларидан эҳтиёт бўлиш кераклигини англаш. Қурилманинг хавфсизлигини таъминловчи расмий иловалардан фойдаланиш. Ижтимоий тармоқни реал ҳаёт сифатида тасаввур қилиб, бирор шубҳа уйғотувчи омил пайдо бўлганда, ўша омилни тарк этиш кўникмасини шакллантириш. Файлларни мунтазам тозалаб туриш зарур.

Демак, ўзимизни, ўз уйимизни ўзимиз асраганимиз каби, ўз рақамли муҳитимизни ҳам ўзимиз осойишта ва тоза сақлашимиз мумкин.

**Жавлон ЗОИЛБОЕВ,**  
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси

## E'OLONLAR

Toshkent yuridik kolleji tomonidan 2000-yil 26-iyunda G'afarov Ahadulla To'rayevich nomiga berilgan №373587-sonli diplom u'qolganligi sababli bekor qilinadi.

Jizzax viloyat adliya boshqarmasining 2022-yil 24-avgustdagi 166-um-sonli buyrug'iga asosan, talabgor Abdurasulov Azamat Abdurasulovichga "Iqtisodiy va fuqarolik", "Ma'muriy va jinoyiy" sud ishlarini yuritish ixtisosliklari bo'yicha advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beruvchi GZ-000169-sonli litsenziya berilganligi ma'lum qilinadi.

Qashqadaryo viloyat adliya boshqarmasining 2022-yil 9-avgustdagi buyrug'iga asosan Qarshi shahridagi "Femida Qalqon" advokatlik firmasi advokati Tursunov Murodulla Ergashevichga boshqarma tomonidan 2018-yil 28-dekabrda berilgan advokatlik guvohnomasi qaytarib berilganligi ma'lum qilinadi.

2-Toshkent yuridik kolleji tomonidan 2006-yilda Muxlisa Shayunsova (Xoshimova) nomiga berilgan № 1428297 sonli diplom u'qolganligi sababli bekor qilinadi.

Инсон  
ва ҚОНУН

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
"Адолат" миллий ҳуқуқий  
ахборот маркази нашри  
info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
рўйхатга олинган  
ISSN 2010-7497  
9770010749004

Бош  
муҳаррир  
в.в.б  
Ёрбек  
ИСКАНДАРОВ

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Икромов Музаф Мубарақходжаевич  
Токиев Фурад Шомуродович  
Юлдашева Шоҳидохон Руфатовна  
Бахронов Шерзод Холмуродович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятға келган  
қўлзмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифға  
қайтарилмайди.

Навбатчи  
Гулбахор Ортиққўжаева  
Саҳифаловчи-  
дизайнер  
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририятни компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А3 бичимда, 2 босма табақ ҳамда, офсет усулида "Business print" хусусий корхонаси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Сўғалли ота, 5а-ўй

Тиражи – 3170  
Буюртме – 231

Топшириш вақти – 19:00  
Топширилди – 18:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.  
Чилонзор кўчаси-29.  
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳос қилинган нарҳда

1 2 3 4 5

QQB | QISHLOQQURILISHBANK

31  
yil

*Mustaqillik*  
*bayrami muborak bo'lsin!*

☎ 1254

🌐 qqb.uz

📍 @qqbank